# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 10 апрель, № 74 (7576) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва Марказий Осиё минтақасидаги коронавирус тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирусга қарши самарали курашиш мақсадида мувофиқлашган чораларни ишлаб чиқиш, ўзаро кўмаклашиш, тегишли тиббиёт ва бошқа алоқадор хизматлар ўртасидаги яқин мулоқотларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Пандемиянинг икки томонлама яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг ривожланиш суръатига салбий таъсирини камайтириш учун олдиндан чора кўриш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Савдо-иқтисодий, инвестиция, молия ва транспорт-коммуникация соҳалари, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик, жумладан, пойтахт шаҳарлар Тошкент ва Душанбе ўртасидаги алмашинувлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бу борадаги устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари минтақавий ҳамкорликка оид ва халқаро аҳамиятга молик айрим долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

**ЎзА.**

## БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни коронавирус пандемияси шароитида банк тизимининг барқарор ишлашини ҳамда иқтисодиётга молиявий кўмакчи бўлишини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 март ва 3 апрель кунлари қабул қилинган фармонларида бу борада кўплаб имтиёз ва преференциялар белгиланди.

Хусусан, тадбиркорлар ва аҳолининг жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати 1 октябргача кечиктирилади. Албатта, бу уларга карантин шароитида катта мадад бўлади. Лекин шу билан бирга, молия-кредит муассасаларига тушадиган маблағ камайишини ҳам назардан қочириб бўлмайди.

Шу боис йиғилишда банкларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, бандлик ва аҳоли даромадларини сақлаб қолиш масалалари муҳокама қилинди.

Жаҳон иқтисодиётида бошланаётган инқироз ҳолатларини ҳисобга олиб, банкларнинг лойиҳалар портфелини танқидий кўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Яъни ҳали бошланмаган, узоқ муддатли лойиҳаларни аниқлаб, уларни жорий йилнинг ўзида самара беришни бошлайдиган янги лойиҳаларга алмаштириш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада банкларга маблағларни устувор равишда кичик бизнес субъектларига янги иш ўринлари яратиш учун ҳамда уй шароитида ўзини ўзи банд қилиш учун йўналтириш тавсия этилди.

Жорий йилда "Агробанк", Халқ банки, "Микрокредитбанк" орқали бандликни таъминлаш дастурларига 4 триллион сўм йўналтириш кўзда тутилган. Шунингдек, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси орқали Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига қўшимча 500 миллиард сўм ажратилади.

Ушбу маблағлар кўплаб янги лойиҳаларга асос бўлади. Президентимиз биринчи навбатда озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, кичик бизнес ва ҳунармандчилик лойиҳаларига устувор аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Карантин даврида ҳам аграр соҳадаги ишлар тўхтамаганини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги тармоқларига бириктирилган тижорат банклари ҳозирнинг ўзида янги лойиҳаларни кўпайтиришлари лозимлиги қайд этилди.

Маълумки, ўтган ҳафтада 24 та банк ташаббус кўрсатиб, жисмоний шахслар учун кредит таътили эълон қилди. Йиғилишда банклар шу каби оддий, лекин аҳолида ишонч ва ҳурмат уйғотадиган яна кўплаб ташаббуслар билан чиқиши мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Масалан, муддати тугаган омонатларнинг муддати узайтирилиб, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса, карантин вақтида уйида ўтирган аҳолига қулайлик яратилади.

Карантин тугаганидан кейин кўплаб корхоналарга ўз фаолиятини тиклаш учун анча вақт ва маблағ керак бўлади. Шу боис Марказий банкка ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратилишини таъминлаш топширилди. Зарур ҳолларда, корхоналарга иш ҳақи тўлаш учун ҳам кредитлар ажратилишини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Масофавий хизмат кўрсатиш турлари ва қамровини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтган йиғилишда соҳа мутасаддилари ва тижорат банклари раҳбарлари тегишли ахборот берди.

**ЎзА.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

**«Халқ сўзи» учун махсус**

### Хорижлик экспертлар:

## Ўзбекистон раҳбариятининг пандемия шароитидаги сиёсати минтақа ва ундан ташқаридаги мамлакатлар учун намунадир

*Бугунги кунда коронавирус пандемияси глобал хавф сифатида дунё мамлакатларининг асосий муаммоси бўлиб турибди. Зотан, жаҳон иқтисодиётининг қайта тикланиши ҳар бир давлатнинг пандемияни қандай енгиб ўтиши ва унинг салбий оқибатларининг олдини ола билишига боғлиқ. Афсуски, ҳозирги вақтда коронавирус янада тез суръатлар билан тарқалмоқда ва тобора кўпроқ инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда.*

Мамлакатимизда COVID-19ни аниқлаш ва даволаш, шунингдек, тарқалишига йўл қўймаслик бўйича ўз вақтида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар туфайли инфекциянинг кучли тўлқини ва кўп сонли ўлим ҳолатларининг олди олинмоқда. Бугун барча беморлар юқори малакали юқумли касалликлар бўйича шифокорлар томонидан стационар даволанмоқда. Хавф остида бўлган фуқаролар ҳам қатъий карантин остида тиббий назоратда бўлиб турибди.

Ўзбекистон раҳбарияти аввалбошдан вазиятни назорат қилиб, ўз ваколатларини тўлиқ ишга солган ҳолда, манбалардан фойдаланишни мақбул усулда ташкил қилди. Натижада пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтиришга эришилди. Шу тариқа мамлакатнинг геосиёсий манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниб, бу борадаги ютуқлар халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Хусусан, **халқаро муносабатлар бўйича эксперт, профессор Маҳмудул Ҳасан Хон (Покистон)** Ўзбекистонни Марказий Осиёда пандемияга қарши қатъий курашиш мақсадида биринчилардан бўлиб изчил чора-тадбирлар кўрган давлат сифатида баҳолайди.

➔ 3

## ТОЖИКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛДИ

Президентимизнинг топшириғига мувофиқ, коронавирус тарқалишининг олдини олишга кўмаклашиш учун Тожикистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Ер шарида жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётган пандемия дунё бўйлаб авж олганидан буён Ўзбекистон инфекция тарқалиши ва ёйилиб кетишининг олдини олишга кўмаклашиш учун Хитой, Эрон, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари номидан ён қўшни ва азалий биродар тожик халқига юборилган дўстона ёрдам ҳам кўз илғамас офатни бартараф этиш учун биринчи навбатда эҳтиёж сезиладиган тиббий буюм ва воситалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотидан таркиб топган.

— Инсоният учун умумий офатга айланган ушбу касалликка барча давлатлар баҳамжиҳат бўлиб курашса, хавфу хатарни тезроқ бартараф этиш мумкин, — дейди Сурхондарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ж. Абраматов. — Бу масалага Ўзбекистон алоҳида эътибор билан қарамоқда. Ён қўшнимиз Тожикистонга кўрсатилган ёрдам ҳам ана шундай эзгу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Яқин дўст тожик халқига юборилган инсонпарварлик юкида эпидемияга қарши курашда зарур бўладиган ҳимоя комбинезонлари ва кўзойнаклари, суюқ натрий гипохлориди, респираторлар, қўлқоп ҳамда пирометрлар, шунингдек, ун маҳсулоти бор.

Инсонпарварлик ёрдами юкланган поезд Сурхондарё вилоятидан Душанбе шаҳрига жўнаб кетди.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.**

## ИШОНЧ ВА САМАРАЛИ ЧОРАЛАР

**яна саккиз нафар беморнинг соғайишига замин яратди**

*Юртимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чора кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқимизга мурожаатида коронавирусга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам жасорат ва матонат кўрсатаётган жонкуяр ва олижаноб шифокорларга алоҳида миннатдорлик билдирган эди. Бу бежиз эмаслиги яна бир бор ўз исботини топди.*



### Хушхабар

Воқеа тафсилотларини видеолавҳада кўринг



Зеро, ушбу соҳанинг фидойи вакиллари саъй- ҳаракатлари билан юртимизда коронавирус инфекциясига чалинган фуқаролар орасида буткул соғайганлар сони ошиб боряпти.

Кеча улардан яна 8 нафари касалликдан фориғ бўлди. Тузалганлар Вирусология илмий текшириш институти клиникасидан соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов ва бошқа масъуллар иштирокида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига кузатилди.

➔ 4



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## МИЛЛАТНИ АСРАШ УЧУН КУРАШ

*Апрель ойига мўлжаллаб қўйган мақоламизнинг баҳонаю сабабларини кўнгилга тугиб, мавзуни хаёлда айлантира бошлаганимизга анча-мунча бўлиб қолганди. Унда найсонда туғилган Амир Темур, Абдулла Қодирий ва сўнгги йиллар воқелигимиз омилларини уйғунликда таҳлилламоқчи эдик. Бироқ орага суқилган "тожли оғу" (лотинчадаги "virus", ўзбекчада "оғу", "заҳар" деганидир) ўлароқ туғилган муҳит манзарасида унга ҳам тўхталишга жазм қилдик.*

### Нуқтаи назар

Очиғини айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллатимиз ва давлатимиз борлиғи билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида куюнаётиб, бу тасодифми ёки қонуниятми, саволини ўртага ташлаганларидан бери камина ўйларида ҳаловат йўқолган-қўйган. Негаки, юки ўта оғир бу сўроққа жавоб истаб қилинган мушоҳадаларнинг қийнови жуда қаттиқ кечмоқда. Ўйлаб-ўйлаб топганларингни тан олишдан туғилган азоб-уқубатни-ку, айтмаса ҳам бўлади.

Темурбек сичқон йилида, ҳижрий 736 йилнинг 25 шаъбон кечаси туғилганини яхши маълум. Замонавий тақвимда мазкур сана 1336 йил 8 апрелга тўғри келади. Лекин нимагадир, биздаги барча расмий, илмий ва оммабоп манбаларда 9 апрель деб келинади. Соҳибқироннинг туғилган қишлоғи масаласи ҳам илмда узил-кесил ечилган эмас.

➔ 3

### Таҳлил

## ЯНА БИР ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

2008 йил ва 2020 йилги глобал молиявий ҳамда иқтисодий инқирозларнинг кўлами қандай? Кўрилаётган чоралар қанчалик мутаносиб? Дастлабки таҳлиллар ва мулоҳазалар.




### Коронавирус ва илму маърифат тўқнашуви

Ҳар тўрт йилда бир такрорланиб, бир кунга узунроқ бўлган, бу сафар чиройли рақамлар узра тизилган 2020 кабиса йилига жуда катта орзу ва режалар билан кириб келдик. Ўзбекистонда унга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" дея ном берилди. Бинобарин, у юртимизда иқтисодиётни илм-фанга асосланган инновацион ривожлантириш ва рақамли технологияларни кенг жорий этишнинг мустаҳкам қадами қўйиладиган буюк довоннинг бошланиши сифатида барчамизни руҳлантирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилга ана шундай ном беришни таклиф қилганида, менимча, мамлакат ва миллатни кутаётган яна бир катта синов борлиги, ундан муносиб ўтишда мана шундай йўл лозимлигини кўрсатгандек туюлади. Буни тушуниб етиш учун узоққа бориш шарт эмас: коронавирус балоси, бир томондан, дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистонда ҳам илму фан ва маърифатга бўлган эҳтиёж қанчалар юксак экани, бунга ҳали жудаям кўп эътибор бериш, узлуксиз инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, бу бало ҳаммани ўз уйида қолдирди ва бундан кейин рақамли технологиялрсиз яшаш мумкин эмаслигини исботлади.

➔ 4

## Республика олий таълим кенгаши ва Олий таълим муассасалари ректорлари кенгашининг профессор-ўқитувчилар ва талабаларга

# МУРОЖААТИ

### Ҳурматли ватандошлар!

Ҳозирги вақтда бутун дунёнинг диққат-эътибори COVID-19 коронавирус пандемиясига қаратилган бўлиб, жаҳон илм-фани аҳли ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш ва тўхтатиш, инсоний талафотни кескин камайтириш ва бу хатарни илдизи билан қуритиш учун бор интеллектуал салоҳиятини сафарбар этмоқда.

Бугун Ўзбекистон ҳукумати муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида бу юқумли хасталикнинг аҳоли ўртасида кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш, она халқимизни бундай оғир синовдан соғ-омон олиб ўтиш учун барча зарур ва кескин чораларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий позицияси, халқпарвар сиёсати, қабул қилаётган оқилона Фармон ва қарорлари пандемияни жиловлаш ва унинг салбий таъсирини юмшатишга кучли замин яратмоқда.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларни янада жипслаштириш, энг муҳими, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида оламшумул ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг **"Ишонтириб айтаманки, коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синовли дамларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиламизга олиб кирмаслик учун, энг аввало, ўзимиз масъулмиз"**, деган сўзлари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш бўйича олий таълим тизимида ҳам муҳим қадамлар ташланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларида бу ҳалокатли офат билан курашиш бўйича барча зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

➔ 3

## КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

**дунёда**

2020 йил 9 апрель ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **1 541 282** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **343 446** нафар, вафот этганлар сони — **91 040** нафар.

**Ўзбекистонда**

2020 йил 9 апрель соат 21.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **582** нафар, тузалганлар 38 нафар, вафот этганлар 3 нафар.

## УЙДА ҚОЛИНГ!

## ЕОИИ билан интеграция:

# ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МУВОЗАНАТ НУҚТАСИ ҚАЕРДА?

*Тараққиётимизнинг янги босқичи олдимизга жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашиш, қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш вазифасини қўймоқда. Шу жиҳатдан глобаллашаётган дунё шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам халқаро ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талаблари ва иқтисодий интеграция жараёнларига мос бўлиши керак. Шунингдек, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш ҳамда таълим, спорт, туризм соҳаларини юксалтиришда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик улкан аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.*

### Долзарб мавзу

Бугунги кунда Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлиш ёки бўлмаслик қай даражада манфаатли, деган савол жамоатчиликнинг кенг муҳокама марказида бўлиб турибди. Тарафдорлар ЕОИИга аъзо бўлиш бугунги глобаллашув пайтида иқтисодий тараққиётимизни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлашмоқда. Бунга қарши фикр билдираётганлар эса, бу жараён сезиларли даражада иқтисодий йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини айтишяпти. Умуман олганда, ҳар икки томон ҳам, аввало мамлакатимиз манфаатларига мос қарор қабул қилиниши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириб, таклифлар киритмоқдалар.

Бизнингча, аввало, мазкур ташкилотнинг иқтисодий ташкилот эканлигини англаб олиш зарур. Ўзбекистоннинг бугунги асосий иқтисодий ҳамкорлари таркибида ЕОИИга аъзо давлатлар улуши салмоқли ўринга эга эканлигини ҳисобга олсак, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий кластерлар, саноат ва савдо зоналарини ташкил этишда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш имконияти янада кенгаяди.

Тан олишимиз керак, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорига чиқиб, рақобат муҳити шароитида ўз харидорларини топишига ҳудудий жойлашувимиз ҳам маълум бир чегаралар қўяётгани сир эмас. Шу жиҳатдан фикр юритадиган бўлсак, ЕОИИ доирасида ҳамкорлик товарларни бож тўловларисиз олиб ўтиш, уларнинг ташқи бозорларга ҳеч қандай тўсиқларсиз кириб бориши, божхона идоралари фаолиятини тартибга солишнинг умумий ва мукаммал тизимига ўтиш, капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлаш имкониятларини яхшилашга замин яратади. Бу эса экспорт қилинадиган товарларнинг сифатини ошириш, нафақат ЕОИИ доирасидаги, балки маҳаллий бозордаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратишимизга туртки беради. Умуман олганда, маҳсулотларимизнинг 184 миллионга яқин истеъмолчи мавжуд бозорларга нотариф тўсиқларсиз кириш имкони вужудга келади.

Мулоҳазаларимизни ЕОИИ билан ҳамкорликнинг айрим ижобий томонлари ҳақида экспертлар томонидан билдирилаётган маълумотларга таяниб давом эттирсак. Хўш, бу жиҳатлар нималарда намоён бўлади?

**Биринчидан,** Ўзбекистон маҳсулотлари ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг бозорларига чиқиши бўйича мавжуд сунъий тўсиқлар ва экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар камаяди.

**Иккинчидан,** ушбу ташкилотнинг бошқа мамлакатлар билан эркин савдо зоналари ташкил этиши Ўзбекистон товарларининг учинчи давлатлар бозорларига киришини қулайлаштиради.

**Учинчидан,** товарлар умумий иқтисодий зонада афзалроқ шартлар ва манфаатли нархларда сотилишига имкон беради.

**Тўртинчидан,** биз учун муҳим бўлган денгизга чиқиш йўли очилади.

**Бешинчидан,** бир майдондан фойдаланиш халқаро савдони осонлаштиради ҳамда Ўзбекистон ягона божхона маконининг бир қисмига айланади.

**Олтинчидан,** иқтисодиёт тармоқлари модернизацияси кучаяди. Жумладан, қайта ишланган маҳсулотларнинг шу давргача ишга солинмаган жиҳатларини рўёбга чиқариш имконияти юзага келади.

**Еттинчидан,** юкларни етказиш логистикаси яхшиланади ҳамда чегараларда ортиқча талаб ва тўсиқлар бартараф этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари қисқаради;

**Саккизинчидан,** меҳнат миграцияси муносабатлари енгиллаштирилади. Хусусан, мигрантлар Россиядаги иш ўринларидан эркин фойдаланиш имконига эга бўлади.

Экспертлар томонидан ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, баъзи хатарлар мавжудлиги ҳам таъкидланмоқда. Чунончи, ушбу бирлашма фақатгина ўзаро иқтисодий ёрдам кўрсатиш механизми бўлиб қолмай, балки маълум даражада сиёсий мазмунга ҳам эгалиги тўғрисида фикрлар билдириляпти. Шунингдек, ташкилот ичида ягона ва келишилган иқтисодий сиёсат олиб боришда доим қарама-қаршиликлар мавжудлигини ҳам эътибордан қочирмаслик лозимлигини қайд этадилар.

Яна бир хатар — ЕОИИ ичидаги маҳаллий маҳсулотлар баъзан ушбу ташкилотга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг арзонроқ ва оммабоп товарлари билан рақобатлаша олмаслигидадир. Сўнгги пайтларда нефть нархининг ўзгариши, тебраниши ва кескин пасайиши кузатилаётир ва бу Россия рублига таъсир қиляпти. Бу, ўз навбатида, ЕОИИ бўйича ҳамкорларнинг валюталарига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фикримизча, мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо бўлиб кириш ёки кузатувчи мақомини олишидан олдин ЕОИИга оид ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни, институционал органлар ва уларнинг фаолиятини, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганиб чиқиш зарур. Ҳамкорлик биз учун қандай наф беришини ёки қандай салбий оқибатларга олиб келишини чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиқиб, ЕОИИ билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда асосий стратегик ҳамкорлари бўлган хорижий мамлакатлар билан муносабатларига таъсирини ҳар томонлама ўрганиш талаб қилинади. Ҳамкорлик ўрнатилишидан олдин тегишли инфратузилмани барпо этиш ва миллий қонунчиликни ЕОИИ доирасида қабул қилинган стандартларга мослаштириб бориш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги ҳолатда 1 млрд. АҚШ долларига яқин маблағ талаб этиладиган божхона постлари инфратузилмасини тамомила қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилишининг қатор ижобий ва салбий томонлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда, пухта тайёргарлик билан халқимизнинг манфаатларига хизмат қиладиган ва мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ўсишига ёрдам берадиган ечимга келамиз, албатта.

**Дилором ФАЙЗИЕВА,
Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари.**

### Депутат фикри

*Бугунги воқелик, яъни коронавирус пандемияси халқ хўжалигининг барча тармоғини ривожлантириш ишларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 8 апрель куни ушбу пандемияга қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида бу жиҳат алоҳида таъкидланди.*

# Томорқадан оқилона фойдаланиш

## қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришнинг энг мақбул йўлидир



Айтиш жоизки, бугунги синовли кунларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир бир нечта Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши ҳамда коронавирус пандемияси бўйича халқимизга мурожаатлари бошқа давлатлардаги каби вазият мураккаблашувининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланганидек, 2020 йил якунига қадар ун, ўсимлик ёғи, гўшт ва сут маҳсулотлари, шакар каби асосий истеъмол товарлари, жами 13 та озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилишда божхона божи ва акциз солиғи ундирилмаслиги ҳам халқимизни хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, карантин даврида ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бор шахсларга 18 турдаги асосий озиқ-овқат ва гигиена товарлари бепул етказиб берилиши дунё амалиётида кам, десак, муболаға бўлмайди. Қолаверса, Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида ташкил этилган хайрия ишларини мувофиқлаштириш марказлари ҳамда саховатли, олижаноб юртдошларимиз томонидан кўрсатилаётган беғараз хайрия ёрдамлари натижасида аҳолининг тегишли қатламларига озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксиз етказиб берилмоқда.



Коронавирус пандемияси дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги сиёсат ва чора-тадбирлар етарли эмаслигини яққол кўрсатди. Видеоселектор йиғилишида Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Хусусан, томорқаларда маҳсулдорликни ошириш учун томорқадан юқори ҳосил ва даромад олаётган омилкор инсонлар тажрибасини кенг жорий қилиш, бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, барча томорқаларда 2-3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши кераклиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигида вақтинча фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириб, кам таъминланган оилаларни банд қилиш бўйича тизим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга хизмат қилиши билан биргаликда камбағаллик ва ишсизликни камайтириш имконини беради.

Пандемия давридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга ошириш лозим. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши бўйича жавобгарликни кучайтириш, эпидемия, пандемия ва фавқулодда ҳолатларда аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чораларини кўриш, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини (масалан, гени ўзгартирилган организмни) назорат қилиш ҳамда текширишни таъминлашда қўлланиладиган зудлик билан аниқловчи ускуналар ва замонавий лабораторияларга талаблар бўйича нормаларни киритиш ҳамда такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Қисқача айтганда, карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда томорқачиликни ривожлантириш, томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш аҳолини арзон, сифатли ҳамда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

**Хайрилло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЕОИИ ҳақидаги шартнома нормаларида экология ва табиий ресурслар масалаларига кенг урғу берилмаган

*Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар ўртасида турли иқтисодий, сиёсий, минтақавий ҳамкорлик институтлари ташкил этилган. Шулардан бири Евроосиё иқтисодий иттифоқидир. Экспертларнинг фикрича, бугунги шароитда Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлик бобида кузатувчи мақомига эга бўлиши мантиқий ва мақбул қадам.*

Бизнингча, ушбу фикр мантиқан тўғри. Чунки бу, ўз навбатида, ҳамкорликни олдиндан чуқур таҳлил этиш ва миллий манфаатларга мос келишини аниқлашга имкон яратади.

ЕОИИ ташкилоти нисбатан ёш ташкилот бўлиб, унинг шаклланиш жараёнида қатнашиш бизга асосий савдо шерикларимиз тўғрисида муҳим маълумотларга эга бўлиш имкониятини беради. Биз саноатимизнинг ривожланган корхоналарини кескин рақобат муҳитида фаолият юритишга тайёрлаш учун муҳим маълумотларни олиш имкониятига эга бўламиз.

Айни пайтда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш долзарб масала экани барчага маълум. Ер сайёраси ва унинг ўзига хос табиати инсониятнинг умумий яшаш макони, ягона уйи ҳамда яшаш воситаси ҳисобланади. Шунинг учун юз бераётган экологик тангликларни, хусусан, бугунги глобал хавф коронавирус пандемиясини бартараф этиш барча халқ ва давлатларнинг умуминсоний вазифасидир.

ЕОИИ ҳақидаги шартнома нормаларида экология ва табиий ресурслар масалаларига кенг урғу берилмаган бўлса-да, иқтисодий масалалар ишлаб чиқариш билан, ишлаб чиқариш эса, ўз навбатида, табиий ресурслар захираларидан фойдаланиш ва атроф-муҳит ифлосланиши масалалари билан узвий боғлиқ жараёндир. Шу сабаб ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсирини ва бу борадаги миллий экологик стандартларнинг иттифоқ стандартларига мутаносиблигини чуқур таҳлил қилиш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги доирасидаги иқтисодиётнинг йирик тармоқлари, жумладан, саноат, ташқи савдо сиёсати, божхона тарифларини тартибга солиш механизми, меҳнат миграцияси, стандартлаштириш ва ветеринария, санитария, фитосанитария назорати каби кўплаб масалалар бўйича экспертларнинг чуқур таҳлилий хулосаларига таяниш керак бўлади.

Яна таъкидлаш жоизки, ЕОИИ билан ҳамкорлик доирасида давлат санитария-эпидемиология назорати остидаги маҳсулотлар учун ягона унитар-эпидемиологик, гигиена талаб ва тартиблари, санитария, ветеринария-санитария ва карантин фитосанитария чоралари илмий хулосага эга бўлган принциплар асосида инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш заруратлари келтирилган. Бунда, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, гени ўзгартирилган маҳсулотларга қўйиладиган халқаро талабларни илмий ёндашув асосида чуқур ўрганиш талаб қилинади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Экологик партияси бундай озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш бўйича бугунги кунда мамлакатимиз етарли инфратузилмага эга эмаслигини, хусусан, малакали мутахассислар, қолаверса, ихтисослаштирилган лабораторияларнинг йўқлигини яна бир бор таъкидлаб ўтади.

Албатта, Ўзбекистоннинг интеграция сари интилиши бу объектив ҳолат. Аммо бундай жараён мамлакатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, босқичма-босқич ва маълум тафовутларни бартараф этган ҳолда олиб борилиши лозим.

Бу эса, ўз навбатида, келгусида қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади:

— Ўзбекистон билан ЕОИИ ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ўзаро ахборот алмашинуви тизимини яратиш;

— халқаро экологик стандартларни жорий этиш;

— табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия технологияларини кенгроқ жорий қилиш ғояларини илгари сурувчи "яшил иқтисодиёт" тамойилларини татбиқ этиш.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси мамлакатимизнинг ЕОИИга кузатувчи сифатида кириши дастлабки даврда мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

**Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.**

# Кадрлар тайёрлаш тизимида мутлақо янгича ёндашув

*Президентимизнинг "Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соҳага малакали кадрларни тайёрлаш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий шаклларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.*

### Муносабат

Ҳужжат билан барча ҳудуддаги 47 та тиббиёт коллежлари Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил қилинадиган бўлди. Уларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, қарорда ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатнинг "Даволаш иши", "Педиатрия иши" ва "Касбий таълим (даволаш иши)" таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичи доирасидаги мақсадли қабул параметрлари туман (шаҳар)лар кесимида шакллантирилиши назарда тутилди.

Юқоридаги йўналишлар битирувчилари яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган туман (шаҳар)да камида 5 йил ишлаб бериши лозим бўлади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб тиббиёт олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун бакалавриат ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга мақсадли қабул параметрлари 50 фоизгача оширилиши, соҳада етук кадрларни тайёрлашга янада кўмак беришини таъкидлаш жоиз.

Бугун хорижий тилларни ўрганиш замон талабига айланиб бормоқда. Бу жиҳат жаҳон андозасига мос тиббиёт тажрибаларини ўзлаштиришда ҳам дастлабки муҳим омилдир. Шу инобатга олинган ҳолда, чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари стипендияларига қўшимча тўловлар тўлаш тизими жорий этилди. Бу ёшларимизга бўлган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

Қарорда халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингидаги тиббиёт йўналишида биринчи 200 ўринни эгаллаган олий таълим муассасаларида клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган, шунингдек, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган давлат тиббиёт муассасаларининг ходимлари лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча устама тўлаш билан уларни моддий рағбатлантириш белгиланди.

Шу йилнинг ўзида жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасаси ташкил этилиши саломатлигимиз посбонларининг касбий малакасини оширишга замин яратди.

Ўзбекистонда Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ҳамда Туркия Бахчишеҳир университетининг филиаллари ва клиникаларини ҳамда бошқа нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида халқаро факультетлар ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

2020 йил 1 августга қадар мутахассислик йўналишларида асосий ҳисобланган халқаро тан олинган муаллифларнинг адабиётлари, шунингдек, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини қўллаш бўйича хорижий дарсликларни ўзбек тилига таржима қилиш асосида тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриат, магистратура ва клиник ординатура ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилади.

Жорий йилнинг 1 сентябридан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларидаги тиббиёт олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этилиши тиббиёт таълими соҳасидаги қатор бюрократик муаммо ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича қилинган энг катта қадамдир.

2021 йил 1 январдан бошлаб шифокорлар учун ҳар 5 йилда малака тоифасини олиш бўйича мажбурий аттестациядан ўтиш тартиби киритилади ҳамда уларга қулайлик яратиш ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш учун аттестацияни онлайн тартибда аудио ва видеокузатув остида ташкил қилиш тизими жорий этилади.

Умуман, мазкур қарор соҳа ривожида янги уфқларни очиши, шубҳасиз.

**Робахон МАҲМУДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

# Республика олий таълим кенгаши ва Олий таълим муассасалари ректорлари кенгашининг профессор-ўқитувчилар ва талабаларга

# МУРОЖААТИ

1

### Муҳтарам илм аҳли, ҳурматли зиёлилар!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, буюк адибимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг: **“Жаҳон тарихида мисли кўрилмаган мўъжизалар яратган улуғ халқ ҳар ишга қодир”**, деган фикрлари ўзбек халқига берилган муносиб баҳодир.

Эл-юрт бошига оғир иш тушганда сафнинг олдида бориш, фидойилик ва жасорат кўрсатишдек шарафли вазифа ҳамиша сизу бизнинг, олимлар ва ўқитувчи-домлалар, илм аҳли ва зиёлилар зиммасидадир.

Биз бугунги масъулиятли синов кунларида маънавий бирлигимиз, мустаҳкам ҳаётий эътиқодимиз билан барчага ибрат бўлишимиз, намуна кўрсатишимиз зарур бўлади.

Юзага келган вазият ўқув-тарбия жараёнларини масофавий тарзда давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бундай таълим усулини ташкил этишда таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режалари асосида жорий семестрдаги фанларнинг дастурларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда олий таълимда ўқитилаётган фанлар бўйича электрон таълим ресурслари яратилди ва ҳар бир олий таълим муассасасининг масофавий ўқитиш платформасига жойлаштирилди.

Биз сиз, ҳурматли устоз-мураббийларни мавжуд имкониятдан тўғри ва самарали фойдаланган ҳолда:

— аввало, муҳтарам Президентимиз мурожаатларининг моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш ва ҳаётга жорий этишда ибрат кўрсатишга;

— юртимизга четдан кириб келган коронавирус пандемиясини бартараф этиш йўлида давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш ва касаллик тарқалишининг олдини олишда ҳукуматимизга яқиндан ёрдам беришга;

— онлайн дарсларни ташкил қилишда фаол иштирок этишга, хусусан, фанлар бўйича видеомаърузаларни, семинар ҳамда амалий машғулотларнинг тақдимотларини тайёрлаб, тегишли сайтларга жойлаштиришда фаол бўлишга;

— машғулотларнинг мазмуни, сифати ва ҳаётийлигини юқори даражада таъминлашга;

— талаба-ёшларнинг дарсларга бўлган қизиқишини янада кучайтириш ва уларнинг фаоллигини оширишга;

— мобиль алоқа, интернет орқали ёшлар қалбида ўз касбига, маданият, санъат ва адабиётга бўлган муносабатни янги босқичга кўтаришга;

— уйда қолиб, ушбу касалликка қарши курашиш ва унинг ҳаётимизга салбий таъсирини камайтириш йўлидаги эзгу ишларни электрон оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали маҳалла ва жамоатчиликка кенг тарғиб қилишга даъват этамиз.

### Қадрли талабалар, азиз ёшлар!

Сизларнинг барчангиз бизнинг ишонган тоғимиз, миллатимиз келажаги, янги Ўзбекистоннинг бўлажак бунёдкорларисиз.

Коронавирус туфайли мамлакатимизда юзага келган бу ташвишли ҳолат Сиз, азиз фарзандларимизнинг сифатли билим олишингизга халақит бермаслиги учун мамлакатимиз раҳбаридан тортиб давлат идораларининг ходимларигача, ректорлардан тортиб устоз-мураббийларгача — барча-барча Сизларнинг шу кунлардаги фаолиятингиз ҳақида, уни мазмунли ташкил этиш борасида қайғурмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг Сизларга алоҳида эътибор қаратиб:

**“Мен бугунги кунда уй шароитида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчи ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман:**

**Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни қунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг”**, деган сўзлари барча ёшлар учун кундалик ҳаёт тарзига айланиши зарур.

Фақат астойдил мақсад қўйиш, сабр-тоқат ва мустаҳкам ирода билан олдинга интилиш зарур. Инсоният ва тараққиётнинг энг катта душмани бўлмиш бекорчилик, бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлар, аслида, коронавирус инфекциясидан ҳам хавфлидир.

Сизларнинг мана шу кўринмас балога қарши курашишда энг катта ёрдамингиз, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кўчага чиқмасдан уйда қолиш, бўш ўтирмаслик, илмий ва бадиий асарларни мутолаа қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишда давом этишдан иборат бўлмоғи керак.

### Азиз талабалар!

Интернетда, хусусан, ўзингиз таҳсил олаётган олий таълим муассасасининг сайтида берилаётган онлайн дарсларга қунт билан қатнашинг!

Энг оғир синов пайтларида Сизга ҳамиша кўмакка келадиган, ўзингиз ёқтирган мумтоз ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан, гўзал ва бетакрор куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишда давом этинг!

Карантин билан боғлиқ тартибларга, шахсий гигиена қоидаларига, жисмонан соғлом бўлишга алоҳида эътибор қаратиб, тозаликка, покизаликка риоя қилинг!

Шу билан бирга, ота-онангизнинг, мўътабар кексаларимизнинг ҳикматларидан, олтинга тенг панду насиҳатларидан иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлишга ҳаракат қилинг!

Интернет тармоғи орқали атрофингиздаги мактаб ўқувчилари ва барча ёшлар билан мулоқотда бўлиб, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боринг!

Бугун Ўзбекистон халқи ўзининг юксак онги, маданий савияси, қатъий иродаси ва сабр-бардошини бутун дунёга намойиш этмоқда.

Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, муҳтарам Президентимиз атрофида собит туриб, ягона мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлсак, бу хатарли офат мустаҳкам қўрғонимизга асло ўтолмайди.

Ишонинг, Аллоҳнинг иродаси, халқимизнинг ишончу матонати, ватандошларимизнинг меҳр-оқибати ва аҳиллиги билан ёруғ кунлар албатта келади!

**Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда буюк Ўзбекистонга айлантирамиз!**

**Республика олий таълим кенгаши ва Олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши**

---

## Хорижлик экспертлар:

# Ўзбекистон раҳбариятининг пандемия шароитидаги сиёсати минтақа ва ундан ташқаридаги мамлакатлар учун намунадир

1

COVID-19га қарши туришда комплекс ва самарали фаолият, ижтимоий-иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий чоралар ўз вақтида амалга оширилганини қайд этади.

— Мамлакат раҳбариятининг кенг кўламли ва қатъият билан амалга оширган саъй-ҳаракатлари миллионлаб фуқароларни коронавирус инфекциясидан ҳимоя қилиш имконини берди, — дейди покистонлик профессор. — Хусусан, миллий иқтисодиёт, ишлаб чиқариш имкониятлари ва умуман, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун муқобил модель ишлаб чиқилди. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, бизнесни юритиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан, молия сектори ва озиқ-овқат бозорининг барқарор ишлашини таъминлаш учун 1 миллиард доллар миқдоридаги молиявий пакет ажратилгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Покистонлик олим оммавий тадбирларни бекор қилиш, йирик шаҳарларга кириш-чиқиш ва транспорт воситалари ҳаракатланишининг тўхтатилиши, шунингдек, дезинфекция чоралари ва карантин зоналарини қуриш билан боғлиқ тадбирларни санаб ўтаркан, уларнинг ўз вақтида бошлангани хавфларни сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилганини таъкидлайди.

“Бу ҳаракатлар беҳуда кетмади. Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги сиёсати минтақа ва ундан ташқаридаги мамлакатлар учун ўзига хос намунага айланди. Ўз вақтида миллий ва минтақавий даражада вирусга қарши кўрилган комплекс чора-тадбирлар мамлакатда эпидемиянинг ножўя таъсирини камайтирди”, деб таъкидлади эксперт.

Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ва ўз вақтида амалга оширилаётганини **Исроилдаги Ибн Сино жамғармаси президенти, профессор Михаэль Сач** ҳам таъкидлайди.

— Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг карантин тартибини жорий этиш, оммавий тадбирларни бекор қилиш, транспорт қатновларини тўхтатиш, кўнгилочар ҳамда умумий овқатланиш жойларини ёпиш ва бошқа профилактик чоралар каби тавсияларининг зудлик билан бажарилиши мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалишини сезиларли даражада пасайтирди, — дея таъкидлайди исроиллик олим. — Коронавирус билан курашиш мақсадида халқаро мутахассислар жалб қилингани, шу билан бирга, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маслаҳатчилари, Россия, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар экспертлари билан коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволаш бўйича тажриба алмашинувларининг йўлга қўйилгани, турли мамлакатлар етакчи мутахассислари билан видеоконференцалоқа ўрнатилаётгани ҳам тўғри ва муҳим қадамдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг COVID-19га қарши курашда иштирок этадиган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги қарори ҳам эътирофга муносиб. Бу давлатнинг халқ олдидаги ўз бурчини фидокорона бажараётган инсонларга нисбатан алоҳида ғамхўрлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, **Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Эдуардс Стипрайс** ана шундай дамларда бирдамлик кўрсатиш ҳар қандай қийинчиликни енгишда муҳим омил бўлишини таъкидлади. У ўзбек халқини бирдамликка ва коронавирусга қарши курашда давлатга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга чақириб, бугунги кунда Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати томонидан қилинаётган ишлар нақадар муҳим эканини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг бойлиги нимада, — деган савол билан ўз сўзини бошлайди Э. Стипрайс. — Баъзилар буни маданий мерос ёки гўзал табиати, деб билишади. Аммо мамлакатнинг энг муҳим бойлиги, бу унинг халқидир. Ушбу қийин даврда барчанинг ҳаётини сақлаб қолиш ўта муҳим. Биз нафақат ўзимизга, балки бошқаларга ҳам ғамхўрлик қилишимиз керак ва бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ўзбекистонда жуда кўп ишлар қилинмоқда. Аммо касаллик тарқалишининг олдини олиш билан бир қаторда, эртанги кун ҳақида ҳам ўйлашимиз зарур. Кун келиб COVID-19 пандемияси, албатта, ниҳоясига етади ва мамлакат иқтисодиётини қайта “оёққа турғазиш”ни бошлаш керак бўлади. Шунинг учун раҳбарият жуда муҳим чораларни кўрмоқда. Биз, биргаликда ҳаракат қилсак, катта натижаларга эришишимизга ишонаман.

**Исроил давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эдуард Шапира** ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб, аҳолини ҳукумат қарорлари ва шифокорлар тавсияларига қатъий амал қилишга чақирди.

— Дунё ҳамжамияти учун оғир кунларда Исроил ва Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатмоқдамиз, — деди дипломат. — Эпидемия даражаси ва инфекцияни юқтирганлар сонини камайтириш, вазиятни назорат қилиш мақсадида мамлакатларимизда ўхшаш чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистонда илк бор инфекция билан зарарланиш ҳолати март ойининг ўрталарида аниқланди ва мамлакат раҳбарияти зудлик билан қатъий чораларни кўрди. Махсус комиссиянинг ташкил этилиши самарали чораларни кўриш ва аҳоли хабардорлигини оширишга ёрдам берди. Умид қиламанки, барча қарор ва тавсияларнинг бажарилиши юқори даражада самара беради.

Элчининг баҳолашича, Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ва самарали чоралар туфайли коронавирус билан касалланган беморларни даволашда ижобий натижаларга эришилмоқда. Қолаверса, шундай қийин даврда ўзбек халқининг ўзига хос ибратли қадриятлари — ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибати янада яққол намоён бўлмоқда, — деб ўз сўзини якунлади у.

**«Дунё» АА.**

---

# Карантин қоидаларига амал қилмаганларга жазо муқаррар

*Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.*

## Назорат

Биргина Бўзотов туманида инфекция тарқалишининг олдини олиш мақсадида 5 та кириш-чиқиш пости ташкил этилди. Давлат санитария эпидемиологик осойишталик маркази туман филиали ходимлари ҳамкорлигида туман ҳудудига кириб чиқаётган автомашиналар, қолаверса, ҳудуддаги 15 та умумтаълим мактаби, 8 та мактабгача таълим муассасаси, 64 та корхона ва ташкилот, жамоат жойлари, бозорлар, автомашиналар турадиган жойларда дезинфекция ишлари амалга ошириляпти.

— Бугунги кунгача хориждан қайтган 153 фуқаро тиббий текширувдан ўтказилиб, карантинга олинди, — дейди Бўзотов тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, майор Азамат Сержанов. — Ўн тўрт кунлик тиббий назорат муддати давомида коронавирус белгилари аниқланмаган одамларга уйларига кетишга рухсат бериляпти.

Афсуски, карантин даврида белгиланган қоидаларга амал қилмаётган фуқаролар ҳам учрамоқда. Ана шундай ўзбошимча ўн нафар фуқарога Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 54-моддасига мувофиқ тегишли чоралар кўрилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---



# МИЛЛАТНИ АСРАШ УЧУН КУРАШ

1

Аниқроғи, 1993 йилга қадар ўзимизда ҳам, дунё темуршунослигида ҳам Хўжа Илғор борасида ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. Ўтган аср тўқсонинчи йиллари бошларида шу чоққача кўпчиликнинг кўзидан нарида бўлиб келган бир тарихий манбадан Темурбек Ачиғи қишлоғида туғилганига оид қимматли гувоҳлик топилди. Мазкур қишлоқ бугун ҳам бор ва Шаҳрисабздан 20 — 22 км шарқда, Танхоз дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, уни шахсан бориб кўрганмиз.

Хўжа Илғор ҳақида маълумот қолдирган Ибн Арабшоҳ ўз асарини 1436-1437 йилларда Мисрда ёзган, бизнинг муаллиф — Муъиниддин Натанзий эса, “Мунтахаб ат-таворих”ни 1412-1413 йилларда темурийларнинг Исфахон, Ҳиротдаги саройларида битиб, аввал мирзо Искандарга, сўнг Амир Темурдан кейин ўзбек давлатини қирқ икки йил бошқарган Шоҳруҳга тақдим этган. Мана шу қисқа маълумотларнинг ўзиёқ, ҳатто манбашунослик илмидан йироқлар учун ҳам вазиятни ойдинлаштириб қўйиши аниқ...

Илмда, умуман, барча йўналишда ростлик яхши. Соҳибқирон бобомизнинг туриш-турмушдаги шиори “Рости русти” бўлганини барчамиз биламиз. Рост сўзладинг, қутулдинг, ростлик қутқаради, маъноларини берувчи мазкур қўш сўзни ҳам нимагадир “Куч — адолатда” дея ўзгартирдик-қўйдик. Ўзгартиришгаку ўзгартирдик, аммо ўгитга амал қилмадик, кўпинча “адолат — кучда” қоидасини қўлладик. Бунинг ўзимиз учун илк исботини 1996 йили Амир Темурнинг 660 йиллигини тўй қилиш арафасида бобомизнинг туғилган ери бўйича муаммони кўтариб чиққанимизда кўрганмиз. Матбуот орқали берилган енгилроқ шапалоқ таъмини туйгач, донишмандлар маслаҳати билан бир қадам ортга ташлаганимизга ҳам чорак аср тўлмоқда. Биз-ку, майли, аммо муаммо муаммолигича қолаверди-ку?!

Амир Темурга, аслида эса ўзимизга бўлган ҳурматимиз ўлароқ мазкур масалаларни ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилишимиз шарт. Уни яширган, кўриб-кўрмаганликка, билиб-билмаганликка олишимиздан қатъи назар, чигал ўз ерида қимир этмай тураверади. Қайси йўналишда бўлмасин, ўз вақтида ечилмаган тугун борган сайин қаттиқлашиб бораверади ва вақти-соати келиб унга қўл урилганда эса, ечим топиш анча оғир кечади. Шу маънода, “Ўткан кунлар”даги мана бу парчани эслаб, мушоҳада юритсак: “Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизға ақлим етмай қолди. ...Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳриға сазовордир”.

Абдулла Қодирий худди мана шу сўзлари, улар отилиб чиққан юрагидаги миллат қайғуси учун қамалган, қийналган ва пировардида ўзини нобуд қилган. “Ўткан кунлар”дан муддао ҳам аслида Россия империяси босқини арафасидаги жамиятнинг ички аҳволини ўрганиш, кўрсатиш, хулосалаш бўлганига қаттиқ ишонамиз. Ёзувчи “Нега бу кўйга тушиб қолдик?” дея ўйларга толгани аниқ. Акс ҳолда, романчиликдаги илк уринишини яқин ўтмишнинг “энг кирлик, қора кунлари”га бағишламаган, кейинги шоҳасари “Меҳробдан чаён”да ҳам бу борадаги изланишларини давом эттирмаган бўлар эди.

Эътибор берилса, у “Темур Кўрагон каби доҳийлар...” деган. Биз эса, давлат мустақиллигимизни тиклаганимиздан салкам ўттиз йил ўтса-да, кўпинча Амир Темурни ҳануз буюк саркарда, лашкарбоши сифатида танийимиз. Ундаги ҳар томонлама чуқур билим, тенгсиз тажриба, буюк бошқарувчилик, катта ташкилотчилик, кенг қамровли фикрлаш, адолатпарварлик, илм-фан ва маданият ҳомийси сингари нодир қобилиятларни кўзимиз илғамайди. Биргина бизни эмас, ҳеч бир муболағасиз бутун оламни юз эллик йил зирқиратиб турган мўғул азобидан қутқаргани-чи?! Ўзбек давлати мустақиллигини тиклагани-чи? Ўрта денгиздан Хитой деворигача, Москвадан Деҳлигача ястанган улкан ва маданий салтанатни барпо этгани-чи?! XV аср Уйғониш даврининг тамал тошини қўйиб бергани-чи?!

Абдулла Қодирий деганда, ўзбек романчилигининг асосчилигини биринчи ўринга қўйиш ҳалигача борлигини яшириб ўтирмаслигимиз керак. Тўғри, мазкур омил ҳам йўқ эмас. Бироқ у, энг аввало, улуғ истеъдод эгаси, буюк сўз устаси, тенгсиз миллатсевар, оқил ва ботир, ҳалол ҳамда эътиқодли шахс бўлган. Миллати учун курашган. Сўз кетаётган замон ёзувчи ва шоирларидан, адашмасак, фақат Абдулла Қодирий ва Чўлпоннинг тили ҳамда қаламида Туркистон мавзуси чақмоқдек чақнаган, қиличдек кесган (Чўлпоннинг *“Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин, Қуллик, асорат — барчаси ёнсин. Қур янги давлат, ёвлар ўртансин. Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин”* сатрларини эслашнинг ўзи кифоя).

Шу ўринда савол туғилади: истиқлолга эришганимиздан тузуккина муддат ўтган бўлса-да, тарихий, адабий ва тил тафаккуримиз мустамлака замонасиникидан кўп ҳам қочиб кетолмаганининг сабаби нимада? Бунда яна мустамлакачиларни айблашимиз тўғрими ёки?.. Демак, ёки экан, бу тасодифми ёки қонуният!

Шу маънода, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейга ташрифи пайтида миллий етакчимиз томонидан кўндаланг қўйилган мана бу ўзига хос топшириқ ҳанузгача жамият, айниқса, зиёлилар гарданида турибди, деб ўйлаймиз: **“Биз нимага бу кунларга келиб қолдик, деган савол ҳаммамизни қийнаши керак!”**. Ваҳолонки, Президентимиз ўша заҳотиёқ масаланинг ечимини айтганди: **“ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”**. Амир Темурда ҳам, Абдулла Қодирийда ҳам мана шу руҳ бўлган. Шунинг учун ҳам бирининг хотираси, иккинчисининг жони суғуриб олинган.

Юқорида тилга олинган нодир тарихий манба — “Мунтахаб ат-таворих”нинг мўғул ҳукмдори Туғлуқ Темурхоннинг 1360 йилги босқинига бағишланган бўлагида ўлчови икки оғизгина, бироқ ғоявий ва амалий аҳамияти чексиз маълумот бор. Кўпчилик жонини сақлаш ниятида юртни ташлаб кетаётган бир паллада Амир Темур амакиси Ҳожи барлосга мурожаат қилиб, шундай деган: **“Агар икковимиз ҳам Ватанни тарк этсак, меросий юртимиз, шубҳасиз, бегоналар қўлига ўтиб кетади”**.

Қизиқ, буюк бобомизнинг юртсеварлик ва донишмандлигидан далолат мазкур воқеа ҳам кўкламнинг ўрталарида кечган. Худди шу кундан бошлаб Амир Темур Ватан ва миллат учун курашни бошлаган. Мазкур узоқ ва оғир жараён орадан ўн йил ўтиб, 9 апрелда ўзининг мантиқий якунига етган. 1370 йилнинг худди шу кунида Амир Темур ўзбек давлати бошқарувига расман киришган. Унинг ўттиз беш йиллик, темурийларнинг юз ўттиз йиллик бошқаруви айнан шу санадан бошланганини жуда озчилик билишида бизда шубҳа йўқ. Ҳолбуки, XXI асрда ҳам айрим “илғор” миллатлар, ўтмишдагисини қўя турайлик, эндиликдаги шоҳ ва маликаларининг туғилган кунларидан тортиб тахтга ўтирган саналаригача ёддан биладилар, улар билан ғурурланадилар. Бизда-чи? Соҳибқирон тахтга ўтирганига бу йил 9 апрелда 650 йил тўлишини неча киши билар экан?!

Апрель ойида рўй берган ва Амир Темур бобомизнинг руҳияти қанчалар бой бўлганидан далолат берувчи яна бир воқеа бўлган. Нонкўр Тўхтамишхоннинг адабини бериб қўйиш мақсадида 1391 йили йўлга тушган Соҳибқирон 28 апрелда Улуғтоққа (ҳозирги Қозоғистоннинг Жезқазған шаҳридан 50 км ғарбдаги Қарсақпай кони яқинидаги Қорамўла тоғи ёнбағрида) яқинлашган ва у ердаги тепаликлардан бирининг устига чиқиб, атрофга кўз ташлаган. Саҳро кўмкўк гилам тўшалгандеклигини кўриб қувонган ва шу ерда тўхташга қарор қилган. Сўнг эса, катта тош келтириб минорасимон белги қуриш ва асрлар оша эслаб қолиниши учун унга, жумладан, мана бу сўзларни йўниб-битиб қўйишни буюрган: **“Тарих етти юз тўқсон учинда, қўй йили ёз (кўклам) ойи ораси Туроннинг султони Темурбек уч юз минг черик билан ислом учун Булғор хони Тўхтамишхонга қарши юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб бу тепани қурди. Тангри нусрат бергай, иншооло. Тангри эл кишига раҳмат қилғай, бизни дуо била ёд қилғай”**.

Ҳозирги кунда Россиянинг Эрмитажида сақланаётган ушбу тош-ёдгорлик қаерда турмасин, ўзбек миллати ва давлатининг довруғию куч-қудратидан сўйлайверади. Ахир тошга битилганни йўқотиб бўлмайди-ку! Аммо мазкур, ҳар қандай миллат кўзига тўтиёдек тенгсиз маънавий ва миллий бойликдан бугунги авлод, айниқса, ёшларимиз тўла баҳрамандлар дея оламизми? Йўқ, албатта. Хўш, шундай экан, бу тасодифми ёки қонуният? Неча-неча авлодлар тинкасини билимсизлик ва онгсизлик оғуси билан қуритишдан муддао не эди?

Шу маънода, Президентимизнинг **“Абдулла Қодирий ижод мактабида ўқиётган бу болалар янги Ўзбекистон келажагининг бунёдкорларидир. Барча умумтаълим мактаблари ушбу ўқув даргоҳидан маънавиятни, маърифатни ўрганиши лозим. Чунки бу ерда таҳсил олаётган болалар нафақат маънавиятли, балки ўз Ватанини юракдан севадиган истеъдод эгаларидирлар. Биз ижод мактабларида ватанпарвар ёшларни тарбиялашни мақсад қилганмиз. Бу мактабда миллатпарвар, ўзлигини англаган авлод камол топишига ишонаман”** деган сўзларини эсламасдан бўлмайди. Яъни маънавият, миллатсеварлик, юрт учун фидойиликни шундай фазилатлар эгаларидан, уларнинг меросидан, руҳиятидан ўрганмоқ керак. Жаҳолат оғусига қарши курашнинг энг унумли дориси ҳам аслида шудир.

“Тожли оғу” бошқалар қатори бизнинг юртимизга ҳам кириб келиб, жиддий хавфга айланиши манзарасида туғилган илк фикримиз мана бу бўлганини яширмоқчи эмасмиз: тағин ҳам Яратган бизни бир асради.

Сўнгги уч-уч ярим йил ичида эсимизни йиғиб, давлат ва жамият турмушининг барча йўналишини тубдан ўзгартириш, сифат жиҳатидан янгилашга, энг муҳими, онгсизлик оғусига қарши курашга киришилмаганида эди, бугун аҳволимиз қандай кечиши фақат Ўзигагина аён. Бировнинг ит-мушук, илон-кўршапалак ейишини қўя турайлик-да, яқин-яқингача ўзимизнинг шаҳар ва қишлоқларимиз, ҳатто пойтахтимиздаги катта-кичик ариқлардаги аянчли аҳволни, оқова, жумладан, ҳожатхона чиқинди сувини оқар сувларга улаб қўйилган ҳолатларни бир эслаб қўяйлик. Яхшиям, ўз пайтида олди олиниб, тартибга солинди, акс ҳолда, юқумли касалликлар ўзимиздан чиқиб, бутун дунёга шарманда бўлишимиз турган гап эди.

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар-чи?

2020 йили соҳани молиялаштиришга 14,8 триллион сўм, яъни 2016 йилдагига қараганда 2,5 марта, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилишга 1,49 триллион сўм, яъни 2016 йилдагига нисбатан 6,5 баробар, шошилинч тиббий ёрдам муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар харажатлари учун 102,8 миллиард сўм, яъни 2016 йилга солиштирганда 6,3 марта, тез тиббий ёрдам хизмати учун ҳар бир чақирув учун 2020 йилда 6 700 сўм, яъни 2016 йилдагига қараганда 14 баробар кўп маблағ ажратилганининг ўзиёқ анча-мунча нарсага ишорадир. Шу қалтис кунларда соғлиқни сақлаш миллий тизимимизнинг ажралмас бўлаги сифатида “тожли оғу”га қарши баб-баробар курашаётган хусусий тиббиёт хизматига кенг ва оқилона йўл очиб берилгани-чи?

Тилга олинган омиллар қаторида 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ўтган йилиёқ ишга тушиб кетганини инобатга олиб, виждонан хулоса қиладиган бўлсак, мана бу ҳақиқат аён бўлиб қолади: агар мазкур, узоқ йиллардан бери қилиниши керак бўлган, бироқ турли важ ва баҳоналар билан пайсалга солиниб келинаётган, соҳа учун чиндан ҳам тарихий саналмиш ўзгаришларга қўл урилмаганида эди, бугун манаман деган давлатларни ҳам шошириб қўяётган “тожли оғу” балосига қарши туришимиз жуда-жуда қийин кечиши турган гап эди.

Шу билан бирга, бутун олам бошига тушган ялпи ва оғир ташвишни Ўзбекистонимиз шароитида иложи борича камроқ йўқотишлар билан енгиб ўтишимизга шахсан бизда заррача ҳам шубҳа йўқ. Нега?

Негаки, бор-йўғи уч йил ичида эркин, масъулиятли, ўз аравасини ўзи тортадиган, ўзи, фарзандлари учун ўзи курашадиган, адолатнинг борлигига ишонадиган, ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдиган, давлатчилигида меҳр-оқибат ва миллийлик туяётган ижтимоий муҳит шаклланиб бўлди. Миллатимизнинг ўқ-ўзаги эса, айнан шу туйғу англовидандир. Президентимизнинг, ҳозирги синовли палладан кучли-қудратли бўлиб ўтишимиз, пандемия офатига қарши кураш моҳият эътибори билан миллатимизни асраш учун кураш эканлиги ҳақидаги чақириқларининг теран маъноси ҳам худди шу билан боғлиқ, деб ишонамиз. Тарих ва адабиёт эса ҳар келгуси авлод йўлини ёритувчи ўзига хос ва тенгсиз маёқдир.

**Азамат ЗИЁ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

# ЯНА БИР ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

**2008 йил ва 2020 йилги глобал молиявий ҳамда иқтисодий инқирозларнинг кўлами қандай? Кўрилаётган чоралар қанчалик мутаносиб? Дастлабки таҳлиллар ва мулоҳазалар.**



1

Ҳеч бир муболағасиз, 2020 йил нафақат мустақил мамлакатимиз, балки бутун дунё тарихида ўчмас из қолдирадиган, нафақат жаҳон иқтисодиётини, балки инсониятнинг яшаш тарзини мутлақо ўзгартириб юбораётган муҳим жараёнларнинг ибтидоси бўлиб қолади.

## Аввал нефть нархи, кейин COVID-19 балоси...

Хабарингиз бор, 2019 йилнинг охирида Саудия Арабистони ва Россия Федерацияси ОПЕК+ форматида нефтнинг нархи ва уни қазиб олиш ҳажми борасида келиша олмагани билан халқаро товар бозорида инқироз юзага келди. 2020 йил аввалида эса Хитойда коронавирус эпидемияси авж олди. Шу икки йирик муаммо биргаликда мисли кўрилмаган глобал рецессияга замин яратмоқда. АҚШ ва Европанинг йирик оммавий ахборот воситаларида эса шу мавзуга бағишланган маълумотлар ва таҳлиллар тинимсиз бериб бориляпти.

Маълумки, "дунё фабрикаси" дея ном олган Хитойдек мамлакатда иккинчи глобал иқтисодиётнинг тўхташи жаҳон бозорида талабнинг кескин тушиб кетишига олиб келди. Оқибатда ХХР иқтисодиёти билан ўзаро ҳамкорликда боғланган барча давлатларда ҳам иқтисодий нисбатлар тарозиси аста-секин иқтисодий турғунлик ҳудудига кира бошлади.

## «Дунё фабрикаси» қайта очилди, аммо «жаҳон дўконлари» ёпиляпти

Гарчи бугун Чин ўлкаси иқтисодиёти қайта оёққа тураётган бўлса-да, аммо АҚШ ва Европадек "жаҳон дўконлари" ёпилмоқда. Глобал майдонда халқаро транспорт ва туризм тармоқлари деярли тўхтади. Океан орти ва қўҳна қитъада автомобиль сотиш ҳажми 75 — 80 фоизга тушиб кетди. Умумий овқатланиш тизими тўла карантин режимига ўтди. Аксарият корхоналарда масофадан туриб ишлаш тизими жорий этилди. Умуман олганда, ҳали жаҳон бозорида ялпи тушкунлик қайд этилмаган бўлса ҳам, бугун барчамиз глобал иқтисодиётнинг аксарият тармоқлари ва соҳаларининг янги инқироз палласига кираётганини кузатиб турибмиз.

Шу пайтгача жаҳон иқтисодиётининг охирги 75 йиллик ривожланиш даврида энг катта таҳликали воқелик сифатида биз 2008 йили бошланган глобал молиявий инқирозни эслар эдик. Ўша даврда жаҳон молиявий бозорларидаги беқарорлик анча кескин тус олганди. Хусусан, АҚШ фонд бозорларида индекслар бир кунда 83 фоизгача тушиб кетган, нефтнинг нархи 140 доллардан 30 долларга "қулаган" эди.

2020 йилда бошланаётган инқироз эса ўз кўлами ва шиддатига кўра янада хавфли кўриниш олиши мумкин. Бугун дунё мамлакатлари ишчилари ва хизматчиларининг 81 фоизи карантинда эканлиги фикримизга яққол далилдир.

Келинг, қиёсий таҳлил қилиб кўрамиз. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози даврида АҚШ ҳукумати "Полсон режаси" номи билан таниш бўлган йирик банк-молия институтлари ва компанияларни қўллаб-қувватлаш учун 750 млрд. доллар миқдоридаги дастлабки дастурни эълон қилди. Бу ўша пайтдаги мазкур биринчи иқтисодиёт ЯИМнинг *5,2* фоизига тенг эди.

2020 йилда эса Президент Дональд Трамп АҚШ тарихида мисли кўрилмаган иқтисодий ёрдам ва рағбатлантириш ташаббуси — 2,2 трлн. доллар ҳажмидаги (ЯИМга нисбатан қарийб 10,3 фоиз) ижтимоий-иқтисодий дастурининг қабул қилинишига эришди. Бу маблағ 2008 йилги инқирозга қарши дастурдан икки марта кўпроқ эканининг ўзиёқ эшик қоқиб келаётган хатарнинг нақадар жиддийлигидан далолат беради. Жаҳон савдо ташкилоти халқаро савдо ҳажми, ҳатто 32 фоизга қадар тушиб кетиши мумкинлигини башорат қиляпти. "Блумберг" ахборот агентлигининг дастлабки таҳлилларига кўра, жаҳон иқтисодиёти ушбу инқироздан 5 триллион долларга яқин зарар кўриши мумкин, АҚШ, Германия ва Франция каби йирик иқтисодиётларда иккинчи чоракдан бошлаб жиддий иқтисодий йўқотишлар башорат қилинмоқда. "Вашингтон пост" газетасида ёзилишича, АҚШда жорий чоракда ишсизлик 30 фоизга қадар кўтарилиши мумкин.

Европада иқтисодий хавфнинг янада кучлилигига муносиб равишда Европа Марказий банкининг 750 млрд. евро ҳажмидаги муаммоли активларни сотиб олишдек иқтисодий рағбатлантириш дастури, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания ва Европадаги бошқа мамлакатлар инқирозга қарши ташаббуслари ҳамоҳанг янграй бошлади. Биргина Франция ёки Италиянинг ўзида қарийб 250 млрд. еврога тенг иқтисодий дастурлар тўғрисида фикр юритилмоқда. Бу рўйхатни Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қолган давлатлари, шунингдек, халқаро молиявий институтларнинг жаҳон иқтисодиёти, хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш лойиҳалари билан яна давом эттириш мумкин.

## 2008 йилда 3 ой кейин, 2020 йилда ўз вақтида қабул қилинди

Хўш, 2020 йилда бошланаётган глобал иқтисодий инқироз 2008 йилдагисидан нимаси билан фарқ қилади?

У бир томондан, АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасида, иккинчи томондан эса Европа Иттифоқи аъзолари ичида жиддий инқироз даврида келиша олмаслик муаммоси мавжудлигини намойиш этяпти. Бундан ташқари, АҚШ, Европа Иттифоқи, Россия ва Хитой глобал тўртлиги орасида ҳам айрим жиддий мунозалар кўтарилиш эҳтимоли глобал иқтисодий инқирозга янада салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Энг муҳими шундаки, бу сафар эшик қоқиб келаётган глобал инқирознинг нафақат Ўзбекистон учун ҳам хавфлилиги тан олиняпти, балки унга қарши мутаносиб ва тезкор чоралар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2008 йилги глобал молиявий инқирозга қарши чоралар кўриш хавф бошланганидан кейин 3 ой ўтиб эълон қилинган бўлса, (*инқироз 2008 йил августда бошланган эди, унга қарши дастлабки дастур 18 ноябрда қабул қилинган*), 2020 йилги глобал инқирозга қарши чоралар ниҳоятда тезлик билан, глобал хавф эълон қилиниши билан атиги 1 ҳафтада (*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти коронавирус пандемиясини 11 мартда эълон қилган бўлса, Ўзбекистонда унга қарши дастур 19 мартда қабул қилинди. Бундай хавф туғилиши ва унга қарши тайёргарлик кўриш лозимлиги эса 29 январдан бошланган эди, яъни аксарият ривожланган давлатлардан қарийб 2 ой олдин*) тайёрланиб, аҳоли орасида ва иқтисодиётда саросиманинг олдини олишга мустаҳкам замин яратилди.

## Эски ва янги дастур: фарқ нимада?

Бундан ташқари, ушбу дастурларни қиёсий таққослаш 2008 йилдагидан тубдан фарқли равишда, 2020 йилда Ўзбекистон глобал иқтисодий инқирозга ниҳоятда кенг қамров ва кўламда ҳамда нафақат иқтисодий, балки энг аввало, ҳар бир оила ва инсоннинг хотиржамлиги омилини бош устувор масала сифатида қабул қилиб, жуда жиддий тайёргарлик кўраётганидан далолат беради. Масалан, 2008 йилги иқтисодий дастурнинг асосий мавзулари экспортни қўллаб-қувватлаш, банк тизимининг барқарорлигини сақлаб қолиш ҳамда ишлаб чиқаришда иш жойлари қисқариб кетмаслигига эътибор қаратилган эди. 2020 йилда бошланаётган глобал инқирозга қарши иқтисодий дастур марказидан эса меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришдан вақтинча ажратилган бўлишига қарамасдан, аввало, аҳолининг саломатлиги ва ижтимоий таъминоти, кичик ва ўрта бизнесни асраб-авайлаш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари учун инвестиция, кредит ва солиқ имтиёзларининг берилишидек стратегик мақсадлар жой олди. Зеро, Президентимизнинг иқтисодий дастуридаги бош мезон бу инсон омилидир. Хусусан, аҳолининг кам таъминланган қисмини давлат томонидан жиддий ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва экспорт суръатлари пасайиб кетишига йўл қўймаслик энг асосий тамойиллар этиб белгиланганi диққатга сазовордир. Энг муҳими, 2020 йилги инқирозга қарши чора-тадбирлар манзилли, уларни молиялаштириш манбалари ўта аниқ ва фақат реал, мавжуд ресурсларга асосланган бўлиб, мавҳум ташқи омиллардан ёрдамни кутмаганлиги билан ажралиб турибди.

## Адекват чора-тадбирлар эътирофи

Ўйлаймизки, бугунги шиддатли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни кузатаётган фаол ўқувчилар Ўзбекистон лидери ва ҳукумати томонидан кўрилаётган инқирозга қарши адекват чора-тадбирларнинг моҳияти, кўлами ва аниқ рақамлари билан танишиб келмоқдалар. Бу борада кенг аҳоли орасида, хусусан, телевидение ва интернет каналлар орқали берилаётган тушунтириш ишларининг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан олиб борилаётган ишларнинг ўз вақтида ва кириб келаётган хавфга мутаносиб эканлигини бугун ҳамма, хорижда ҳам, йирик давлатлар ва халқаро ташкилотлар, мамлакат ичкарисида ҳам, аҳолининг барча қатлами, жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлар эътироф этмоқда.



## Таназзул қаршисида давлатнинг ўзи яккаланиб қолмайдими?

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади: шаклланаётган глобал инқирознинг кўламини бугун жаҳон ҳамжамияти тўла баҳолай оляптими? Менимча, йўқ. Шундай экан, кўрилаётган чора-тадбирлар олдимизда турган хавф-хатарга муносиб жавоб бера олишини аниқлаб олиш долзарб. Аниқроқ айтганда, "Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, хусусан, ривожланиш палласига ўтаётган кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш ва асраб қолиш, шунингдек, аҳолининг камбағал ва кам таъминланган қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлашдек ўта шиддатли фронтда давлатнинг ўзи яккаланиб қолмайдими?" деган кун тартибидаги саволга оқилона жавоб топиш керак.

Бинобарин, глобал инқирозга, глобал иқтисодий хавфга бугун биз ягона фронт бўлиб қарши туришимиз лозим. Модомики, бу сафарги глобал инқирозга аксарият ривожланган мамлакатлар "инсониятнинг бошқа жонзотга қарши уруши" сифатида қараётган эканлар, биз ҳам якдил, бир мақсад сари, давлатнинг раҳнамолиги остида бирлашишимиз талаб этилади. Бунинг яққол мисоли — Америка ва Европа давлатларида душманга қарши кураш учун инсонлар ҳатто энг муҳим, фундаментал демократик тамойиллар ва қадриятларни бир четга йиғиштириб қўйиб, давлат бошчилигида инсоннинг энг биринчи ҳуқуқини, яъни яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун консенсусга келаётганликларидир.

Албатта, Ўзбекистондек ривожланиш босқичига ўта бошлаган иқтисодиётлар учун бундай йирик глобал иқтисодий инқирозларга тўлақонли қарши туришда давлатнинг бир ўзи етарли кучга эга бўлмаслиги мумкин. Эшик очиб кираётган йирик муаммога қарши дастур миқёси, яъни ЯИМга нисбатан ажратилаётган маблағнинг улуши борасида биз аксарият ривожланган давлатларга нисбатан муносиб улушни кўрсатаётган бўлсак-да (*дастлабки дастурга мувофиқ ЯИМга нисбатан 2,1 фоиз, жумладан, Европа Иттифоқида ЯИМга нисбатан 2,5%ли иқтисодий дастур муҳокама қилинмоқда*), аммо ЯИМнинг аҳоли жон бошига кўрсаткичи миқдорини эътиборга олган ҳолда, амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз ҳали жуда кўп. Шундай экан, бугунги кунда глобал иқтисодий ва бошқа хавфларга қарши кураш борасида ривожланаётган давлатларда, хусусан, республикамизда ҳам фақат Давлат бюджети механизмини етарли дейиш тўғри эмас, деб ўйлайман. Хусусан, глобал иқтисодий инқироз кўлами ва давомийлиги ҳали аниқ баҳоланмаган экан, давлатнинг ресурс имкониятларини тобора мустаҳкамлаш лозимлиги кун тартибида олдинги ўринга чиқади.

Демак, бугун масала бизнинг энг биринчи ҳуқуқимиз — яшаш ҳуқуқимизни таъминлаш тўғрисида кетаётган экан, барчамиз давлат ҳокимиятининг атрофида янада жипслашишимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, имкон қадар кўмак беришимиз, қўлимиздан келса унинг моддий имкониятини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз лозим. Дунёга таниқли ватандошларимиз хориждан туриб қилаётган беғараз ёрдамлари, саховатпеша, ватанпарвар ва миллатпарвар инсонларимизнинг мамлакат ичида туриб қилаётган ҳомийликлари барчамизни мамнун этаётгани табиийдир. Яқинда ташкил қилинган "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси халқимизнинг нақадар бағрикенг ва халқпарвар эканини яққол кўрсатиб турибди. Айни чоғда бу борада ҳали жуда кўп саховат ва мурувват намунасини намоён этишимиз лозим бўлади.

## Бировга илтифот қилган халқ эканмиз, ўзимиз учун бундан-да бағрикенг бўла оламиз

Биз Шарқ цивилизацияси, Ислом фалсафаси ва Ўрта аср ренессанси дарғаларининг ворисларимиз. Биз давлатнинг, миллатнинг ва халқнинг бошига оғир кун тушганда янада бирлашадиган, жипслашадиган, ўзи емай ўзгага берадиган, ўзи ерда ётиб, меҳмонига етти қават кўрпа ташлайдиган халқмиз, миллатмиз. Бировга шундай илтифот қила олган халқ эканмиз, ўзимизга, ўз миллатимизга, ўз фарзандларимизга ҳам шундай бағрикенглик қила оламиз. Тарихимизни эслайлик: оғир кунларда давлатнинг халқ томонидан, фақатгина айрим кўнгилли вакиллари томонидан эмас, ёппасига моддий қўллаб-қувватланиши мисоллари жудаям кўп. Буни тарихчиларимиз бизга эслатиши керак. Ҳолбуки, бир замонларда бўлгани каби, фарзандларимизни фронтга юбориш талаб этилмаяпти, аксинча биздан фарзандларимизни уйда соғ-саломат олиб ўтириш сўраляпти, холос.

Менинг фикримча, биз учун бугун глобал иқтисодий хавфга қарши умуммиллий турадиган палла келди. Яъни халқнинг давлатга беғараз кўмаклашиш жамғармалари тўғрисида, лозим бўлса, нонимизнинг ва молимизнинг бир қисмини эл-юрт манфаати, хусусан, аввало, кам таъминланган аҳоли учун улашиш тўғрисида ўйлайдиган вақт ҳозир. Зеро, бу фазилатлар асрлар давомида томирларимизда, қалбларимизда жўш уриб келаётган миллий ва диний қадриятларимиз билан ҳамоҳангдир. Бугун миллат, эл-юрт манфаати ва хавфсизлиги йўлида бутун халқ, ҳар бир ватанпарвар фуқаро имкон қадар давлатни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашини ҳаётий мажбурият деб билиши керак, деб ҳисоблайман.

## Синовли кунлар, албатта, ўтиб кетади

Дунёдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятнинг тез ўзгариб бораётгани ҳамда Ўзбекистонда ҳукуматнинг, аввало, аҳолининг кам таъминланган қатлами, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини эътиборга олган ҳолда, оддий фуқаро ва иқтисодчи олим сифатида, қуйидагиларни таклиф этган бўлардим.

Аввало, давлатга беғараз кўмаклашиш мақсадида барча вазирлик, идора, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг турли даражадаги раҳбар кадрлари, ижтимоий масъулиятли тадбиркорлар ва ташаббускор фуқароларнинг беғараз ҳомийликлари (жумладан, маълум муддатга бериладиган) орқали кичик ва ўрта бизнесга мақсадли равишда фоизсиз кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг тижорат банкларидан оладиган кредитлари учун кафиллик беришга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этиш лозим.

Айни чоғда аҳолининг кенг қатламлари ва турли бизнес субъектлари томонидан "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармасини қўллаб-қувватлаш ишини умумиллий ҳаракатга айлантириш мақсадида ушбу тадбирларни янада кенгроқ тарғиб қилиш, ушбу жамғарманинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш тадбирлари ва уларнинг натижадорлигини аҳоли орасида тез-тез намойиш этиб бориш керак.

Ўз навбатида, иқтисодий ривожланишда талабни шакллантиришнинг энг йирик манбаси сифатида ҳамда камбағал ва кам таъминланган аҳоли ижтимоий таъминотини янада кучайтириш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Давлат бюджети харажатларини янада манзиллаштириш ва оптималлаштириш чора-тадбирларини кўриш ҳам муҳим.

Бундан ташқари, озиқ-овқат ва бошқа биринчи даражали истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқ хўжалиги экинлари экишни ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга қаратилган турли фаолият турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш давр талабидир.

Қолаверса, қишлоқ аҳолиси, хусусан, қишлоқда иш билан таъминланмаган ёшларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш тадбирларини янада кучайтириш, бунда қишлоқда туғилиб ўсган ва катта шаҳарларда яшаётган, моддий жиҳатдан етарли имкониятга эга бўлган ижтимоий масъулиятли ва фаол кадрлар, бизнес ва бошқа соҳалар вакилларининг шахсий намуналаридан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳозирга кунда Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва ташкилотлари томонидан олиб борилаётган аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари дунёда кечаётган мураккаб иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга мутаносиб равишда ташкил этиляпти. Бу борада дунёда кенг тарқалган давлат-хусусий шериклиги, моддий таъминланган аҳолининг ва бизнеснинг ижтимоий масъуллиги тамойилларига асосланган ҳолда давлатга кўмаклашувчи турли ижтимоий ташаббусларга асосланган ғоялар ва лойиҳаларни муҳокамага ташлаш ва амалга ошириш зарурияти ҳам мавжуд бўлиб, бундан кейин унга нисбатан эҳтиёж янада ошиши кутилади.

**Адҳам БЕКМУРОДОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ИШОНЧ ВА САМАРАЛИ ЧОРАЛАР

**яна саккиз нафар беморнинг соғайишига замин яратди**

1

Шундай қилиб, айни пайтда коронавирус инфекциясига чалинган беморлардан 38 нафари буткул соғайди. Бу, шубҳасиз, барчамизга мамнуният бахш этади.

Албатта, бундай натижага эришишда дунё тажрибаси, хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Япония каби қатор мамлакатларнинг энг нуфузли мутахассислари тавсияларидан фойдаланилаётгани, давлат раҳбари топшириғига кўра, ҳар бир беморга икки нафардан шу жабҳада кўзга кўринган тажрибали мутахассислар жалб қилиниб, стандартлар бўйича даволаш чоралари кўрилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

Ўз навбатида, шифокорлар даволаш жараёнида мамлакатимизнинг етук пульмонолог, кардиолог, терапевт, эндокринолог, реаниматолог каби соҳанинг етакчи мутахассислари билан телемулоқот ўрнатиб, улардан керакли тавсияларни олаётгани ҳам қўл келяпти. Зеро, тор мутахассислар билан ҳамкорлик ўз вақтида маслаҳатлашиш, аниқ ташхис ва даволашни жадаллаштириш имконини яратиши, шубҳасиз.

Халқнинг розилигини олиш, унга хизмат қилиш, тиббиётдаги ислоҳотлар ижросини таъминлашни фаолиятининг асосий мезони деб билган шифокорлар учун залвари оғир, масъулияти юксак даврда айтиладиган гап шу: "Қўлингиз асло дард кўрмасин!"

**«Халқ сўзи».**

# Дарахтлар шохлари электр симлари учун хавфлими?

## Улар орасидаги масофани белгилашда кимлар масъул?

*Шу йилнинг 8 апрелидан 9 апрелига ўтар кечаси кўпчиликнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қолса ажабмас. Негаки, айни шу куни баҳор бўлишига қарамай, республикамизнинг барча ҳудудида об-ҳаво кескин ўзгарди: кучли эсган шамол ва қор дарахт шохларини синдириб ва ҳатто, айрим дарахтларни қулатиб, кўчаларни тўсиб қўйди.*

### Бонг

Ана шу чўрт узилган ходалар эса кўп жойларда электр симларини узиб кетди, газ қувурларига шикаст етказди. Бу эса аҳоли маълум бир қисмининг қийин вазиятда қолишига сабаб бўлди.

"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ маълумотларига кўра, шу кечада 300 мингдан зиёд истеъмолчилар электрсиз қолган. Бу ҳолат, асосан, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида қайд этилган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, жами 44 та электр тармоғида узилиш кузатилган.



Тошкент вилоятининг Қибрай, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Зангиота, Янгийўл каби бир қатор туман ва шаҳарларида ҳам аҳоли хонадонлари, ҳокимликлар, банк, солиқ каби давлат муассасаларида ана шундай носозликлар кузатилган. Биргина Пискент туманидаги "Зоминовул", "Митан", "Майлобод", "Бекобод", "Бирлик", "Ойбек", "Лолаариқ", "Навоий", "Мўминобод", "Саидобод", "Дўстлик", "Файзобод", "Гулистон" каби ўнлаб МФЙида дарахт шохлари электр "кушандаси"га айланди, аҳолига ичимлик суви етказиб беришда муаммоларни юзага келтирди.

Шунга яраша ижтимоий тармоқларда Тошкент вилоятидаги бир қатор ҳудудларда одамларнинг газ ва электр таъминотидан кўнгли тўлмаётгани ҳақидаги хабарлар тез-тез кўзга ташланмоқда.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси тизимидаги муаммолар туфайли вилоятдаги аҳоли хонадонлари олдиндан огоҳлантиришсиз электр таъминотидан узиб қўйилаётир. Бу эса одамларнинг жиддий эътирозига сабаб бўляпти. Айниқса, бугунги коронавирус пандемияси туфайли барча ташкилотлар ходимлари, таълим муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари масофавий онлайн тизимида ишлаётган, ўқиётган, кунлик дарс вазифалари топшираётган, ходимлар иш берувчи ташкилотларга режа-топшириқ ҳисоботларини электрон тарзда амалга ошираётган бир шароитда кўққисдан электр таъминотининг тўхтатилиши қанча ноқулайликлар келтириб чиқаришини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Албатта, мазкур авария ҳолатларининг барчаси тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан тезкор гуруҳлар ёрдамида ўнгланмоқда. Аксарият муаммолар ҳал этилди ҳам.

Аммо ҳақли савол туғилади: бу каби инжиқ об-ҳаво шароити туфайли юзага келиши мумкин бўлган ноқулайликларнинг имкон қадар олдини олиш мумкин эмасмиди?!

Шу ўринда бир мулоҳаза. Эътибор берилса, аксарият ҳолатда хонадонларни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида тортилган электр симлари айнан дарахт экилган ёхуд баланд-баланд дарахтлар ёнгинасидан ўтганини ёки аксинча, электр энергияси симлари, симёғочлар остига турли мевали-манзарали кўчатлар қадалганини кўриш мумкин.

Энди ўйлаб кўринг, бундай иш тутуми кучли шамол ёхуд она табиатнинг бошқа инжиқликлари туфайли юзага келадиган турли нохушликлар, кўнгилсиз ҳодисалар ва ҳар хил даражадаги талафотларга сабаб бўлиб қолмаяптими?!

Электр симлари тортилган ҳудудларда дарахтлар экиш тартиб-қоидаларига ким амал қилади, унинг масъулиятини ким зиммасига олади? Ахир бу соҳага жавоб берадиган мутасаддилар бор-ку. Биз улардан бу ҳақда жавоб кутамиз.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 292 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6